

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” факултети

“Иқтисодий таҳлил ва аудит” кафедраси

**Мавзу: «Хўжалик субъектларида рентабеллик
кўрсаткичлари таҳлили
(“Ўзпахтасаноат” уюшмаси корхоналари
мисолида)**

Бажарди: Султонов Н.Ф.

Илмий раҳбар: доц. Эшбоев Ў.Т.



Иқтисодий вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилмай туриб, жамият сифат жиҳатдан янги ҳолатига ўтиб бўлмайди”^[1].

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.

Ўзбекистон Республикаси ҳозирги вақтда туб талоҳотлар ва уларни чуқурлаштириш, яъни сифат жиҳатдан ва мазмунан янгиланиш даврини бошдан кечирмоқда. Ислоҳотнинг учинчи бочқичида иқтисодиётни эркинлаштириш, микроиқтисодий барқарорликни таъминлаш эвазига узлуксиз иқтисодий ўсишга эришишдек долзарб вазифа қўйилган. Бу эса ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектларнинг таҳлил қилиш усулларини такомиллаштиришни тақозо этади. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек “... иқтисодий вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилмай туриб, жамият сифат жиҳатдан янги ҳолатига ўтиб бўлмайди”[\[1\]](#).

[\[1\]](#) Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.: Ўзбекистон. 1994 й. 8 бет.

Битирув малакавий ишнинг мақсади ва вазифалари.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш босқичида корxonанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда рентабеллик кўрсаткичлари тизимини, уларни баҳолаш ва таҳлил йўллариини ишлаб чиқишдан иборатдир. Ушбу мақсадга эришиш қуйидаги вазифаларни бажаришни тақозо этади:

- иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш босқичида рентабеллик кўрсаткичларининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини кўрсатиб бериш;
- эркин иқтисодиёт шароитида рентабеллик кўрсаткичлари тизимини ва уларни аниқлаш йўллариини ишлаб чиқиш;
- ишчанлик билан боғлиқ умумий рентабеллик кўрсаткичлари таркибига маҳсулотни сотиш рентабеллиги, даромад ва харажатлар рентабеллигининг киритилишини асослаш ва маҳсулотни сотиш рентабеллиги даражасининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш;

Ишнинг ўрганилганлик даражаси.

Хўжалик юритувчи субъектларининг хўжалик фаолияти таҳлилининг шаклланишига ва ривожланишига, хусусан, рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили усулларининг такомиллашувига хорижий етакчи иқтисодчи олимлар катта ҳисса қўшганлар. Булар жумласига М.И.Баканов, Л.И.Кравченко, О.Р.Кмицикевич, А.П.Ковалев, А.Ш.Моргулис, А.И.Меркушев, Г.В.Савицкая, С.К.Татур, А.Д.Шеремет каби олимларни киритиш мумкин.

Республикамизда ҳам мустақиллик йилларида иқтисодий таҳлилга ва унинг айрим соҳаларига бағишланган адабиётлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, илмий мақолалар чоп қилинмоқда. Булар жумласига Э.А.Акрамов, Ё.Абдуллаев, Ш.Т.Абдукаримов, И.О.Волжин, Е.Е.Ергешев, А.Иброҳимов, Б.И.Исроилов, С.Нажбидинов, М.Қ.Пардаев, М.М.Тулаходжаева, А.Х.Шоалимов, В.В.Эргашбоев, Н.Хасанов кабиларнинг ишларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Булардан ташқари “Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси”, “Бозор, пул ва кредит” журналларида 1991-2011 йилларда хўжалик юритувчи субъектларнинг рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили хусусидаги муаммоларга бағишланган қатор илмий мақолалар ҳам чоп этилди. Хусусан, хўжалик юритувчи субъектларнинг рентабеллик кўрсаткичларини таҳлиliga бағишланган илмий-тадқиқот ҳамда ўқув-услубий ишлар асосан Самарқанд таҳлил мактабининг етакчи олими М.Қ.Пардаев ва бошқалар томонидан олиб борилаётганлигини изҳор этиш жоиздир. Ушбу қилинган ишлар рентабеллик кўрсаткичларини у ёки бу жиҳатларини такомиллаштиришга бағишланган бўлиб, уларнинг назарий ва амалий масалалари умумметодологик доирада олиб борилган. Рентабеллик кўрсаткичларининг назарий муаммолари масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томони эса уларнинг амалий жиҳатлари ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда “Ўзпахтасаноат” уюшмаси тасарруфидаги корхоналар мисолида рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилиш усулларини асосан амалий жиҳатларини тизимли ва комплекс тарзда тадқиқот қилиш зарурияти туғилди. Бу эса, ўз навбатида ишнинг мақсади ва вазифаларини белгилашга, предмети, объекти ва методологиясини аниқлашга асос бўлди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштириш шароитида молиявий ҳисоботнинг умумметодологик асосларига таянган ҳолда айнан олинган корxonанинг рентабеллик кўрсаткичларини комплекс ва тизимли таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот предмети

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган турли мулкчиликка асосланган барча хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни ташкил қилишнинг услубий асосларини ўрганиш, ҳисоб сиёсатини белгилаш, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитнинг ташкилий тузилишини ишлаб чиқиш ҳамда уларни халқаро ва миллий стандартларга мослаштириб амалиётга тадбиқ қилиш ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектларда рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилишнинг услубий асосларини ўрганиш ва таҳлил қилиш усулларини такомиллаштириш тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

БМИнинг назарий ва услубий асослари

сифатида жамиятда содир бўлаётган иқтисодий жараёнларни ўрганишда қўлланиладиган оламни билиш назарияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, нутқ ва мақолалари, таниқли хорижий ва республикамизнинг етакчи иқтисодчи олимларининг илмий-тадқиқот ишлари асос қилиб олинди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти.

Ишда кўрсатилган назарий, услубий ва амалий масалалар “Ўзпахтасаноат” уюшмаси тасарруфида “Далварзин пахта тозалаш заводи” ОАЖнинг молиявий ҳисоботи таҳлил қилишда асос бўлди. Тадқиқот натижалари олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқув жараёнида ҳамда иқтисодий таҳлил бўйича маъруза матнлари ва ўқув қўлланмаларни яратишда ҳам асқотиши мумкин.

Битирув малакавий ишнинг таркиби.

Битирув малакавий иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Хулоса ва таклифлар

Иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий салоҳияти ва молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар етакчи бўлиб, фойдаланувчиларнинг турли тоифалари: мулкдорлар, акциядорлар, кредиторлар, эҳтимолий инвесторлар, мол етказиб берувчилар, харидорлар, буюртмачилар ва бошқалар манфаатларини қамраб олади. Айниқса, Республикамизга хорижий инвестицияларнинг кириб келиши, мулкни давлат тасарруфидан чиқарилиши, хусусийлаштириш, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, аҳолига барча турдаги хизматларнинг кўрсатилишида иқтисодий ахборотларни сарҳисоб қилувчи бухгалтерия ҳисоби, ҳисоб маълумотларини ўз вақтида таҳлил қилиб боришни ташкил этишда аввало корxonанинг ўз ҳисоб сиёсатини тўғри ишлаб чиқиши зарурдир.

Бу борадаги билимларни ўрганиб чиқиш натижасида хўжалик юритувчи субъектларда рентабеллик кўрсаткичлари таҳлилни такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифларни келтиришни лозим топдик:

- Хўжалик юритувчи субъектларда рентабеллик кўрсаткичларининг аниқ бир кўлами ишлаб чиқилди ва ушбу ишда батафсил баён қилинди;
- “Иқтисодий таҳлил” га бағишланган бир қанча адабиётлардаги рентабеллик кўрсаткичлари таҳлилига оид билим ва кўникмалар умумлаштирилди;
- Хўжалик юритувчи субъектлар рентабеллигини ифодаловчи барча кўрсаткичлар амалий маълумотлар асосида таҳлил қилиб чиқилди;
- Рентабеллик кўрсаткичлари таҳлилининг бошқа иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили билан ўзаро ўхшайдиган ва фарқ қиладиган хусусиятлари алоҳида ёритиб берилди;
- “Далварзин пахта тозалаш заводи” очик акциядорлик жамиятининг рентабеллик кўрсаткичлари таҳлил қилинди ва унда рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилни ташкил қилиш бўйича услубий тавсиялар берилди;
- “Далварзин пахта тозалаш заводи” очик акциядорлик жамиятида барча рентабеллик кўрсаткичларининг таҳлили мунтазам равишда олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Эътиборларингиз учун раҳмат!